ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

АЛИШЕР НАВОИЙ НОМИДАГИ ТОШКЕНТ ДАВЛАТ
ЎЗБЕК ТИЛИ ВА АДАБИЁТИ УНИВЕРСИТЕТИ

# ЭНГ САРА АЛЛАЛАР

Тошкент
«Adabiyot uchqunlari»
2017

**УЎК:** 613.296
**КБК:** 74.90
**Ю.91**

**Энг сара аллалар.** [Матн] / Нашрга тайёрловчи Абдумурод Тилавов; — Тошкент: “Adabiyot uchqunlari”, 2017. — 144 б.

**КБК:** 74.90

**ISBN** 978-9943-4661-9-7

*Ушбу китобда жамланган алла намуналари фарзанд тарбиясига масъул ҳар бир ота-она учун ёрдам беради. Китоб иловасидаги қардош халқ оғзаки ижодига мансуб алла намуналари, шоирларимизнинг аллага оид шеърлари, шунингдек, «Фарзандларга тилаклар» бўлимлари ҳам сизга манзур бўлишидан умидвормиз.*

*Масъул муҳаррир:*
**Шомирза ТУРДИМОВ,**
**филология фанлари доктори**

*Муҳаррир*:
**Музаффар ЧОРШАНБИЕВ**
**фольклоршунос**

*Тақризчи:*
**Илҳом САЙИДҚУЛОВ**
**адабиётшунос**

*Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети Илмий кенгаши ва «Фольклоршунослик ва диалектология» кафедраси йиғилишида нашрга тавсия этилган.*

**ISBN** 978-9943-4661-9-7

© “Adabiyot uchqunlari”, 2017 йил.

* * *

Алла айтай, жоним болам,
Ухлаб қолгина, алла.
Бешикларда роҳатланиб,
Ором олгина алла.

Уйимни ёритувчи,
Ёруғ юлдузим алла-ё,
Оламни равшан қилган,
Равшан чироғим, алла.

Арслон билакли, шер юракли,
Қоплонгинам бўлгина, алла.
Катта бўлиб ватанингга,
Содиқ бўлгина аллаё, алла.

* * *

Айланайин алласи, алла,
Қачон тегар фойдаси, алла.
Қароғим катта бўлса, алла,
Шунда тегар фойдаси, алла.

Улғай болам гул Ватанда, алла,
Ботир бўлиб ўсгин, қўзим, алла.
Сени кўриб бу чаманда, алла,
Яйраб қувонай, юлдузим, алла.

Кўз тикар халқ, бутун ўлка, алла,
Келажагим, орзум деб, алла.
Ўсиб, бурка уни гулга, алла,
Катта бўлгач, қарзим деб, алла.

Алла болам, шер экан, алла,
Уруш қурсин, дер экан, алла.
Уруш бўлган жойларда, алла,
Полвонлардан зўр экан, алла.

Тоғларни тешиб йўл қилсин, алла,
Душманларни йўқ қилсин, алла.
Болажоним бағримда, алла,
Эркалайман яйратиб, алла.

Ватанимнинг боғида, алла,
Булбул қушдек сайратиб, алла.
Кўчаларда ўйнаб юрсин, алла,
Мактабларда ўқиб келсин, алла.

Муллаю, мударрис бўлсин, алла,
Мартабаси улуғ бўлсин, алла.
Ҳали тонг отмагандир, алла,
Юлдузлар ботмагандир, алла.
Боғимдаги гул-ғунча, алла,
Ухлаб олсин тўйгунча, алла.

* * *

Тўйиб, тўйиб ўпай сени,
Ширин дўмбоғим, алла.
Қучоғимда яшнаб турган,
Машъал чироғим, алла.

Алла десам бор бўлгин, алла,
Менга номус ор бўлгин, алла.
Катта бўлган чоғингда, алла,
Ҳалққа вафодор бўлгин, алла.

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ**
**ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**АЛИШЕР НАВОИЙ НОМИДАГИ ТОШКЕНТ ДАВЛАТ**
**ЎЗБЕК ТИЛИ ВА АДАБИЁТИ УНИВЕРСИТЕТИ**

# ЭНГ САРА АЛЛАЛАР

*Муҳаррир:*
**Музаффар Чоршанбиев**

*Техник муҳаррир:*
**Сирожиддин Намозов**

*Рассом:*
**Шуҳрат Одилов**

*Мусаҳҳиҳа:*
**Шаҳодат Мамадалиева**

**Нашриёт лицензияси:**
AI № 239 – 2013 йил 4 июль

Теришга берилди: 28.04.2017. Босишга рухсат этилди. 19.05.2017.
Бичими: 60x84 1/16. Офсет босма. Times New Roman гарнитураси.
Шартли б.т. 8,4. Нашр б.т. 7,6. Адади: 3000. Буюртма № 12.
Баҳоси келишилган нархда.

**Нашриёт манзили:**
«Adabiyot uchqunlari» нашриёти, 100027,
Тошкент шаҳри, Ўқчи кўчаси, 29-уй.

**Босмахона манзили:**
“Tong press print” МЧЖ босмахонасида чоп этилди.
Тошкент шаҳри, Турккўрғон кўчаси, 69-уй.